

# Қадриятлар бебаҳо бойлигимиз



Аждодлардан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз ва анъаналримиз борки, уларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш бизнинг вазифамиз. Термиз тумани “Учқизил” маҳалласида миллийлигимизни акс эттирган ўзбек менталитетига хос бўлган анъаналаримиз тарғиботига бағишиланган “Қадриятлар бебаҳо бойлигимиз” мавзусида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг ўринbosари Озода Парпибоева, вилоят ҳокимининг ўринbosари – вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидирова, туман ҳокимининг ўринbosари – туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Маърифат Расурова, маҳаллалардаги Хотин-қизлар фаоллари, “Учқизил” маҳалласи нуроний онахонлари, фаол аёллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тарғибот тадбири аввалида меҳмонларга миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида акс эттирган кўргазмалар намойиши таништирилди. Шундан сўнг, тадбирнинг бадиий қисми бошланди ва тадбир очилишида сўзга чиққанлар миллий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказишда ўсиб келаётган ёшларга миллий ҳунармандчилик, лапар ва миллий куй-қўшиқлар ижроилиги ҳамда ўзбек менталитетига хос анъаналарни ўргатиб бориш муҳим эканлиги таъкидланди.

Концепт дастурида миллий куй-қўшиқлар, лапарлар ва миллий рақслар ижро этилиб, иштирокчилар қалбига қувонч ва яхши тассуротлар бағишилади.

Тарғибот тадбирлари туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ўтказиб борилади.

**Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**